11 ОКТ 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 231 (5522).
9 ОКТЯБРЬ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС Марказий Комитетига СССР Олий Совети Президиумига СССР Министрлар Советига

Биз, космонавтика тарихида энг узоқ давом этган «Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг одам бошқарган учишини тайёрлаш ва амалга оширишда, учта «Союз-Т» космик кемасини ва бешта «Прогресс» юк кемасини учиришда ва уларнинг учишини бошқаришда қатнашган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари, ишчилари, космонавтлари, космодром, Космонавтларни тайёрлаш маркази, Учишни бошқариш маркази, команда-ўлчов ва қидирув-қутқарув комплексларининг мутахассислари коллективларимизнинг меҳнатига берилган юксак баҳо учун, самимий қутлов сўзлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига астойдил миннатдорчилик изҳор этамиз.

Космонавтлар Кизим, Соловьев ва Атьковлар 237 суткалик орбитал учишни амалга оширганликлари Ватанимиз фани ва техникасининг янги муваффақияти бўлди. Шу учиш чоғида олинган фан-техника ва медицина-биология тадқиқотлари ҳамда экспериментларнинг натижалари мамлакатимиз фани ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг миқёсда қўлланилади. Бир экспедиция давомида биринчи марта Леонид Кизим билан Владимир Соловьев олти марта очиқ космосга чиқиб, жами 22 соату 50 минут давомида станциянинг сиртидаги мураккаб монтаж ишларини бажардилар.

Узоқ давом этган учиш даврида «Салют-7» — «Союз» орбитал комплекси ичида Юрий Малишев, Геннадий Стрекалов ва ҳинд космонавти Ракеш Шармадан иборат халқаро экипаж ҳамда Владимир Жонибеков, Светлана Савицкая ва Игорь Волкдан иборат экипаж ҳам ишладилар.

Космонавтика тарихида энг узоқ давом этган одам бошқарувчи учиш амалга оширилганлигини биз шонли воқеа — совет халқи Улуғ Ғалабасининг 40 йиллигига бағишлаймиз.

Бундан буён ҳам космик техникани тинимсиз такомиллаштираверамиз, космик фазони тинч мақсадларда, улуғ Ватанимизнинг фаровонлиги йўлида ўзлаштиришни давом эттириш вазифаларини самарали равишда ҳал этаверамиз, деб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига ваъда берамиз.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

УНУМДОРЛИК ЭВАЗИГА

БУГУН

«СССР 50 йиллиги» номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ахсий резерв-имкониятлардан фойдаланиб ҳнат унумдорлигини ошириш ҳаракати бирлашмалараро кенг қулоч ган. 2-механика-йиғув цехининг Н. Сидорико бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси ана шундай коллективлардан саналади. Бригадада 32 нафар меҳнат илғори юксак кўрсаткичларни қўлга киритиб тер тўкмоқда. Бу фидойилар бригадининг илғорлари 42 нафар аъзоси эришган кўрсаткичлардан ҳам юксакроқ марраларни забт этишга муваффақ бўлишяпти.

Бригада аъзолари маҳсулотнинг 60 процентини асосан чиқиндилардан тайёрлаш мажбуриятини олишган. Айни пайтда ана шу мажбурият шараф билан уддаланмоқда. Маҳсулот таннархини 0,3 процент камайтириш эвазига 2 минг сўмлик иқтисодий самара олиш бригаданинг йил бошида кўзлаган мақсади эди. Илғор ишчилар бу вазифани муваффақият билан амалга оширишди.

бригада аъзоларининг бирлашмага йил бошидан келтирган иқтисодий самараси 3 минг 500 сўмликдан ошиб кетди. Фидокорлар шунингдек, пландан ташқари 500 сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлаб, республика юбилейини ёруғ юз билан кутиб олишга интилишмоқда.

• Пойтахт қурилишларида

ЖАДАЛ СУРЪАТДА

Пойтахтнинг Горький пуси қад кўтармоқда. Генерал Петров кўприги кесишган чорраҳада республика врачлари малакасини ошириш институтининг янги корпуси қад кўтармоқда. Бу ўн қаватли бинода ўқув ўн каватли бинода ўқув синфлари ва лабораториялар жойлашади. Институтнинг бош корпусига қўшни ҳолда мажлислар зали қурилади. Объектда жами 2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши кўзда тутилган.

Ҳозирда бу ерда ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётган «Главташкентстрой»га қарашли 3-трестнинг 23-қурилиш бошқармаси 1,5 миллион сўмликка яқин капитал маблағни ўзлаштирди. Аввалига қурилиш ишлари ўлда-жўлда қолаётган эди. Ҳозир бу ерда ишлар жонланиб кетди.

— Бу йил, — дейди участка бошлиғи М. Ўразаев, — қурувчилар 13 минг сўмлик маблағ ўзлаштиришлари керак. Бу вазифа албатта бажарилиши шарт. Ҳозир объектда монтаж ишлари жадал суръатда олиб бориляпти. Шунингдек ғишт қалаш ишлари ҳам давом этмоқда. Мажлислар зали пойдеворига дастлабки ғишт қўйиляпти. Объектда фидокорона тер тўкаётган Э. Салимов ва И. Масахуддинов бошлиқ бригадалар яхши натижаларга эришишяпти.

ЛЕНИН ТЎҒРИСИДА ХОТИРАЛАР

В. И. Ленин замондошларининг хотиралари ленинизм, доҳий биографиясини, партиямиз тарихини ўрганиш учун қимматли манбадир. Сиёсий адабиёт нашриётида «Владимир Ильич Ленин тўғрисида хотиралар» беш томлик нашрининг учинчи томи босмадан чиқди.

Китобга Ленин замондошларининг доҳийнинг Улуғ Октябрь ғалаба қилган пайтдан то 1920 йилнинг ёзигача бўлган даврдаги фаолияти тўғрисидаги хотиралари киритилган.

Ильич тўғрисидаги хотиралар китобини КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти тайёрлаган.

(ТАСС).

ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИНИНГ БУРЧИ

Кремлда бўлиб ўтган халқ назоратчиларининг Бутуниттифоқ кенгашида назоратчиларнинг ишига якун ясалди, КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қарорларидан келиб чиқадиган келгусидаги вазифалар белгиланди. Кенгаш ишида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари иштирок этганлиги, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко нутқ сўзлаганлиги алоҳида аҳамият касб этди. Унинг ёрқин, илҳомбахш нутқи мамлакатнинг барча халқ назоратчилари учун аниқ иш программасидир.

Мухбиримиз Москвадаги кенгаш қатнашчилари билан учрашиб, таассуротларини ўртоқлашишни, ўз ишлари ҳақида гапириб беришни сўради.

Х. ИСАМУҲАМЕДОВ,

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ленин ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари кавалери, Тошкент тепловоз депоси машинисти, халқ контроли бош группаси аъзоси.

— Халқ назоратчиларининг Москвада бўлиб ўтган, мен иштирок этиш бахтига муяссар бўлган Бутуниттифоқ кенгаши партия назоратчилар ишига катта аҳамият бераётганлигининг яхши далилидир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко халқ контроли органларининг фаолиятини юксак баҳолаб шуни таъкидладики, ҳозирги пайтда халқ назоратчиларининг ҳуқуқ ва имкониятлари анча ўсди. Албатта, унинг фаолиятига нисбатан талабчанлик ҳам ўсди.

Депо назоратчилари кўпгина масалаларни ҳал этишда партия ташкилотига катта ёрдам беришяпти. Шуни айтиш етарлики, назоратчиларнинг ташаббуси билан бошланган иқтисод ва тежамкорлик учун оммавий кураш фақат биринчи ярим йилликнинг ўзида 80 тоннага яқин ёнилғи, 400 кубометр газ, 50 минг киловатт-соат электр қувати, 350 тонна мазутни тежаш имконини берди. Соляркадан ювиш воситаси сифатида фойдаланишга чек қўйилган.

Группа таклифи билан депо маъмурияти полиматериалдан буюмлар ишлаб чиқариш ассортиментини кенгайтирди. Ҳозир полимер цехида уларни ишлаб чиқариш муваффақиятли ўзлаштирилди.

Лекин хотиржамликка берилиш керак эмас. Халқ контроли группаларининг ижобий ишлари билан бир қаторда, айрим назоратчиларнинг активлиги пастлигини, йўл қўйилган нуқсонларда айбдор бўлган кишилар ҳамиша ҳам коллектив ва партия бюроси мажлисларида муҳокама қилинмаётганлигини таъкидлаш керак. Жумладан, бу ҳақда Бутуниттифоқ кенгашида ҳам гапириб ўтилди. Шундай қилиб, ҳали депо назоратчилари қиладиган иш кўп.

А. ШОМАҚСУДОВ,

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети журналистика факультети декани, филология фанлари кандидати, университет халқ контроли бош группаси раиси.

— Ҳамон назоратчиларнинг Бутуниттифоқ кенгашида иштирок этиб, олган таассуротларим билан яшаяпман. Унда ўртоқ К. У. Черненко халқ назоратчиларидан аниқ вазифалар қўйди. Улар экономика ва социал ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатишга даъват этилганлар.

Биз ўз ишимизни олий ўқув юрти коллективи фаолиятининг ўзига хос томонларига мувофиқ равишда ташкил этганмиз. У эса маълумки, уч асосий вазифани — ёшларни марксизм-ленинизм ғояларига садоқат руҳида тарбиялашни, ўқув жараёни самарадорлигини оширишни, илмий-тадқиқот ишларининг юксак натижали бўлишини ўз ичига олади.

ТошДУ халқ контроли бош группасига комитет ҳукуқи берилгач бизнинг ваколатимиз ҳам кенгайди. Эндиликда биз комитет мажлисларини мунтазам ўтказиб турибмиз, унга бўлинма раҳбарларини таклиф этиб, ишларини муҳокама қиламиз. Жумладан, мажлисларда университет ётоқхоналарига студентларнинг жойлашишининг тўғрилигини, ноёб приборлар ва асбоблардан, қимматбаҳо ускуналардан фойдаланишни, профессор-ўқитувчил а р состави ўртасида ўқитув ишларининг тақсимланишини текшириш натижалари қараб чиқилди. Белгиланган тартибни бузганлар масъулиятга тортилди.

ТошДУ назоратчилари фақат камчиликларни қидиришади ва нуқсонларга йўл қўйганларни жазолашади деб ўйламанг. Биз биринчи навбатда маслаҳатлар билан ёрдам берамиз. Жойнинг ўзида аниқланган нуқсонларни бартараф этишга ҳаракат қиламиз. Ишонтириш ва огоҳлантириш чоралари иш бермаган шароитдагина жазо чоралари кўрамиз. Орденли Тошкент Давлат университети коллективи назоратчиларининг иш услуби олижаноблик ва талабчанликнинг бирикмасидан иборат.



БИЗ ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРМИЗ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР №8

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ газеталари, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Т. Каримов, М. Юнусовлар хабар қиладилар.







КОМСОМОЛЛАРГА ХОС ЗАРБДОР СУРЪАТ БИЛАН

Фоторепортаж

Ильич районидаги Титов номли совхоз пахтакорларига ёрдамга келган Ўрта Осиё медицина-педиатрия институтининг студентлари биринчи навбатда комсомол йиғилишини ўтказдилар. Улар йиғим-терим мавсумида ўз олдиларида турган вазифаларни комсомолларга хос ғайрат билан, ишчанлик вазиятида муҳокама қилдилар. Вазифалар эса ҳазилакам эмас: бўлажак шифокорлар республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳисса қўшишга, ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришга аҳд қилдилар.

Пахтакорларга ёрдамга келган тўрт минг студентнинг ҳар бири мавсумда камида бир ярим тоннадан «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олди. Жами кичкинтойларнинг бўлажак шифокорлари улкан хирмонга ўзларининг 6 минг тонна пахталари билан ҳисса қўшадилар. Республикамиз пойтахти ёш вакилларининг сўзи билан иш бир. Ҳашарчилар отрядларга бўлинган, теримчилар билан совхоз ўртасида йиғим-терим юзасидан шартнома тузилган. Ташкилий ишлар ҳал этилганидан сўнг пахта терими аҳиллик билан бошлаб юборилди. Мусобақада «Абу Али ибн Сино», «Зарбдор», «Педиатр» отрядларининг аъзолари пешқадамлик қилишяпти. Институтнинг иккинчи курс студентлари Н. Жумаев, А. Тўрақулов, Х. Аҳмедов ва бошқалар ҳар куни рекорд натижага эришишмоқда. Улар бир кунда 130—140 килограммга етказиб «оқ олтин» теришмоқда.

Қаерда иш, ишчиларнинг машиний шароити, дам олиши яхши ташкил этилган бўлса, ўша ерда унумдорлик ҳам юқори бўлади.

Деҳқонларнинг кўнгилли ёрдамчилари жойлашган дала шийпонларини энг яхши жиҳозлаш учун отрядлар ўртасида конкурс ўтказилмоқда. Шийпонларда телевизорлар бор, газета ва журналларнинг янги сонлари мунтазам етказилиб турилибди. Оқшом тушганидан сўнг бу ерда қўшиқлар янграйди, қизиқарли кечалар ташкил этилмоқда. Киров район партия комитети, дала штаби студентларнинг тўйимли овқатланишларига ҳам ғамхўрлик қилмоқдалар.

Институт ўқитувчилари, бўлажак медиклар аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришяпти: лекция ўқишяпти, суҳбатлар ўтказиб, саволларга жавоб беришяпти.

Пахта йиғим-терими ўзининг иккинчи, ҳал қилувчи палласига кирмоқда. Бу палла айниқса тиғиз, машаққатли бўлади. Пахтакорлар, Тошкентнинг минглаб вакиллари йиғим-терими ғалаба билан якунлаш учун ғайрат-шижоатга тўла. Улар давлатга «оқ олтин» топшириш бўйича республикамиз юксак мажбуриятларининг бажарилиши Ўзбекистон меҳнаткашларининг ватан олдидаги юксак ватанпарварлик бурчи эканлигини яхши тушунадилар.

СУРАТЛАРДА: Ўрта Осиё медицина-педиатрия институтининг студентлари пахта теримида.

ФАХРЛАНАМИЗ

«УРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИГА САДОҚАТ

Ишчилар синфи билан деҳқонлар синфининг дўстлиги социалистик тузумимизнинг асосини ташкил этади. Бу буюк дўстлик совет ҳокимияти йилларида тобора мустаҳкамланиб, мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларининг ҳам иқтисодий, ҳам маданий жиҳатдан гуллаб-яшнашининг муҳим омили бўлиб қолди.

«Ташсельмаш» заводи республикамиз қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноатининг байроқдори бўлган корхонадир. Бу заводда бундан қарийб 55 йил муқаддам дастлабки от тортар селлка ишлаб чиқарилган. Завод ишчилари бу маҳсулотларини фахрланиб, 1 Май байрами намойишидан олиб ўтишганди. Бугунги кунда эса корхона конвейеридан энг замонавий пахта териш комбайнлари туширилиб олинаяпти. Шу кунларда конвейердан туширилиб олинаётган ХНП—1,8 маркали универсал пахта териш машинаси ғўза тупидаги пахтани теришдан ташқари, эгатлардаги подборни ҳам олади ва тозалайди. Машинанинг бункери икки қисмдан иборат. Унинг бир қисмига тоза, иккинчи қисмига подбор пахта солинади. Бу машинамиз қишлоқ механизаторларига ғоят манзур бўлмоқда. Шу боисдан ҳам биз пахта йиғим-терими авжига чиқаётган ҳозирги кунларда бу машинадан тобора кўпроқ етказиб беришга ҳаракат қиляпмиз.

Бош конвейердаги мен бошчилик қилаётган слесарь-йиғувчилар бригадасида 19 ишчи меҳнат қиляпти. Уларнинг ҳаммаси ўхшаш касбларни яхши билган, интизомли, ўз вазифасига сидқидилдан муносабатда бўладиган йигитлардир. Йигитларимизнинг ғайрат-шижоати туфайли ҳар сменада конвейердан 19—20 та юқори сифатли машина тушириб олямиз.

Биз ўзимизнинг фидокорона меҳнатимиз билан республикамизнинг катта «оқ олтин» хирмонини бунёд этишга муносиб ҳисса қўшаётганлигимиз д а н беҳад фахрланамиз.

Ҳ. САФАРБОЕВ,

«Ташсельмаш» заводининг 22-йиғув цехидаги комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи.

• ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

БЕРЛИНЛИК МЕҲМОН

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети билан Гумбольдт номидаги Берлин университети ўртасида мустаҳкам илмий ва маданий алоқалар ўрнатилган. Илмий нашрларни алмашлаш, ўқитувчилар ва аспирантларнинг ўзаро тажриба алмашуви яхши анъана бўлиб қолган.

Куни кеча Гумбольдт университетининг профессори Герда Улиш Тошкент университетида меҳмон бўлди. У немис тили факультети студентларига тилшунослик ва ҳозирги замон немис тили тараққиётининг баъзи масалалари мавзуида лекциялар ўқиди. Аспирант ва ўқитувчиларга немис тили бўйича олиб бораётган тадқиқотлари юзасидан фойдали маслаҳатлар берди.

Герда Улиш, шунингдек, Германия Демократик Республикасининг 35 йиллигига бағишлаб Германия-Совет дўстлиги Ўзбекистон бўлими ўтказаётган тадбирларда иштирок этди.

И. ПАРДАЕВ.

ЖАҲОН ШАХМАТ ТОЖИ УЧУН

МОСКВА. Союзлар уйининг Колонна залида кеча шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун А. Карпов — Г. Каспаров матчининг ўнинчи партияси ўйналди.. Оқ доналар билан ўйнаган жаҳон чемпионлигига даъвогар Г. Каспаровнинг таклифи билан 15-юришда партияда дуранг натижа қайд этилди. Матчда А. Карпов 4:0 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти.

* * *

ВОЛГОГРАД. Бугун бу ерда М. Чибурданидзе — И. Левитина матчининг навбатдаги ўнинчи партияси ўйналади. Ҳисоб бу ерда 4,5:4,5. Рақиблар бугунгисини ҳисобланганда яна етти партия ўйнашлари керак. Эслатиб ўтамиз, матч дуранг натижа билан тугаса, чемпион ўз унвонини сақлаб қоладн.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Республика қўғирчоқ театрининг бир группа артистлари қўғирчоқ театрларининг «Олтин дельфин» Халқаро фестивалида иштирок этиш учун Болгария Халқ Республикасига жўнаб кетди. Фестиваль Варна шаҳрида ўтади. Бу ерда республикамиз артистлари болгар драматурги М. Асеновнинг «Қуёшли бола» спектаклини намойиш этадилар. Сўнгра улар габроволик ҳамкасблари ҳузурида бўладилар. Ҳар икки шаҳар санъатқорларини мустаҳкам ижодий алоқалар боғлаб турибди. Бу ерда улар ҳамкорликда «Семруғ» ва «Қуёшли бола» спектакларини намойиш этадилар.

ОБ-ҲАВО

▲ Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 11 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 6—8, эртага кундузи 12—17 даража иссиқ бўлади.

ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЬ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 8 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	2,26	64,87
Тошкент	2,76	62,90
Андижон	2,27	58,33
Наманган	3,00	55,06
Сурхондарё	2,50	51,23
Хоразм	1,51	42,48
Бухоро	1,39	41,31
Самарқанд	1,96	40,16
Сирдарё	4,30	34,50
Навоий	1,47	33,71
Жиззах	2,78	30,78
ҚҚАССР	0,64	29,11
Қашқадарё	1,20	27,27
Республика бўйича:	2,17	45,04



«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

ПАРТИЯ ТУРМУШИ:
ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

АВВАЛГИ ШУҲРАТНИ ТИКЛАЙМИЗ

2505-автоколоннада бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов партия йиғилишидан сўнг мухбиримиз партия ташкилотининг собиқ секретари С. Ойхўжев ва янги секретари Х. Никизад, коммунист, автоколонна бошлиғи Б. Қосимовлар билан учрашди.

Ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишидан буён ўтган бир йил коллектив учун меҳнат синови даври бўлди. 1983 йилнинг учинчи кварталидан автоколонна қолоқлар сафига тушиб қолди, фақат ишлаб чиқаришгина эмас, балки партиявий интизомни ҳам бузиш ҳолларига рўй берди.

С. Ойхўжаев: Нима учун шундай бўлди? Тўққиз коммунистдан иборат партия бюроси талабчанликни бўшаштириб юборди. Энг аввало, ходимларга нисбатан ва асосий ишларнинг ҳамда партиявий топшириқларнинг бажарилиши устидан талабчанлик ва назорат бўшашиб кетди. Яқинда ўтган ҳисобот-сайлов партия йиғилишида эса коммунистлар партия бюросининг ишини кескин танқид қилдилар.

Х. Никизад: партия бюроси мутлақо ишламади, деб бўлмайди, албатта. Йиғилишларда долзарб масалалар — автотранспортдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; ёқилғи-мойлаш материалларини тежашдаги ошириб ёзишларга барҳам бериш, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди. Аммо ҳисобот докладида ва коммунистларнинг сўзларида таъкидлаб ўтилганидек, ҳамиша сўз билан иш бирлигига амал қилинди, деб бўлмайди. Масалан, партия группалари ташкилотчилари ишларни бўшаштириб юборишди. Партия бюроси эса улардан масъулият талаб қилмади. Ҳисобот даврида коммунистларнинг ҳисоботларини — топшириқларни ва Устав бурчларини қандай бажараётганликларини билетлар, музқаймоқ қоғозларни ва сигарет қолдиқларни уюлиб ётарди. Қизиғи шундаки, бунга ҳеч ким эътибор бермади ҳам. Қарасам, бекатда чиқинди охур-мосламаларининг ўзи йўқ экан. Одамлар автобусдан тушиб ҳожатсиз бўлиб қолган билетларини истаган ерига отиб кетишмоқда.

Менимча тозаликка назоратни кучайтириш керак бўлса, бекат атрофини чиқинди майдонига айлантираётган айрим йўловчилардан штраф ундириш керак...»

Балки оқшомхон ҳақдир, шундай қилиш ҳам керакдир. Лекин энг аввало бу кўнгилсиз манзара «ихтирочилари» — шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси раҳбарларига ўринли бир савол бериш лозим. Шундай чиройли бекатларга чиқиндн охур-мосламаларни ўрнатиб қўйиш наҳотки қийин бўлса!

Қийин эмас албатта. Бироқ буннинг учун озгина тер тўкиш керак бўлади. Бошқармадаги ўртоқлар эса бу гапларга зарра эътибор бермайди, бир тасодиф билан бу гап қулоқларига чалингудек бўлса ҳам: «Ойнинг ҳам доғи бордир» деб ўзларини юпатиб, қоғоз титиш билан овора.

Баракалла, қоғозбозлар!

Мақсад ЯХШИЕВ.

ЛУҚМА

ОЙНИНГ ҲАМ ДОҒИ БОРДИР...

Тошкент бекатларн фусункор, унинг таърифига тил ожиз, нима дединг изки! Кейинги йиллар ичида ўнлаб, юзлаб шундай кўркам бекатлар тикланди ва энди улар марказий кўчаларимизда савлат тўкиб турибди. Лекин қуруқ савлат билан иш битмас экан чоғи...


«Яқинда Навоий кўчасидаги бекатлардан бирида троллейбус кутиб қолдим, — деб ёзади газетхон М. Бўлтаков. Одатдагидек «учрашув»имиз жуда қийин бўлди ва мен анча пайт унинг йўлини пойлаб ўтирдим. Шунда бежирим бекат атрофи диққатимни тортди. Майдончада ишлатилган билетлар, музқаймоқ қоғозларн ва сигарет қолдиқларн уюлиб ётарди. Қизиғи шундаки, бунга ҳеч ким эътибор бермади ҳам. Қарасам, бекатда чиқиндн охур-мосламаларининг ўзи йўқ экан. Одамлар автобусдан тушиб ҳожатсиз бўлиб қолган билетларнини истаган ерига отиб кетишмоқда.



Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг аҳил коллективи шонли сана шарафига социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат қилаяпти. Корхонанинг илғор ишчилари юбилей шарафига олган юксак мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар.

СУРАТДА: бирлашманинг пешқадам ишчиларидан бир группаси (чапдан-ўнгга) тикувчилар Галина Поскина, Доно Юсупова, мастер Лидия Шанина, тикувчилар Жамила Отабоева, Клара Каримова ва Зоя Зайцева. Улар тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

И. Шоиноғомов фотоси.



«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг механика участкасида кўпгина коммунистик меҳнат зарбдорлари меҳнат қилишади. Ана шулардан бири ўттиз йиллик меҳнат стажига эга бўлган олтинчи разрядли фрезерчи КПСС аъзоси П. Абаевдир. Бирлашма коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ғайрат билан меҳнат қилаяпти.

СУРАТДА: КПСС аъзоси П. Абаев.

Х. Мирзакаримов фотоси.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ХАТЛАР

БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

«Медтехника» шаҳар бошқармасининг Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектида жойлашган устахонаси ҳамиша гавжум бўлади. Бу ерда эшитиш қобилиятини яхшилашга ёрдам берадиган турли-туман аппаратларни сифатли ремонт қилиб беришади. Шу боисдан ҳам бу ерга қўшни республикалардан келган инвалидлар ҳам тез-тез ташриф буюришади.

Устахона инженери Фатхулла Умаралиев билан техник Юрий Николаевич Турин устахонага келганларни хушмуомалалик билан кутиб олишади. Эшитиш аппарати ёки кўзойнакдаги нуқсонни техника воситалари ёрдамида аниқлаб, тезликда ремонт қилиб беришади. Ремонт ишлари учун ҳеч қандай ҳақ олинмайди. Шу ердаги 2-«Оптика» магазини ҳам харидорларга яхши хизмат кўрсатяпти. Бу ердан турли янги аппаратлар қатори уларга қувват берувчи батареяларни харид этиш мумкин.

Шахсий пенсионерлар, Улуғ Ватан уруши инвалидлари, кўп болали «Қаҳрамон она»ларга аппарат ва кўзойнаклар бепул берилади. Бу ерга иши тушган ҳар бир киши иши битганидан мамнун бўлиб чиқиб кетади.

Т. НАЖМИЙ,
СССР Журналистлар Союзининг аъзоси, шахсий пенсионер.

КЎЧАМИЗДА ЧИРОҚ ЙЎҚ

Биз 2-«Ташавтомаш» массивида яшаймиз. Шу ерда жойлашган Тракторсозлар бозорчасидан трамвай йўлигача бўлган масофада кўчага чироқ ўрнатилмаган. Шунинг учун ҳам Тошкент трактор заводида тунги сменада ишловчилар ҳамиша ўзлари билан чўнтак фонари олиб юришади. Йўқса, зим-зиё кечада адашиб бировнинг уйига кириб кетиш ҳеч гап эмас.

Кўчамизда савлат тўкиб турган симёғочларга қачон чироқ ўрнатишар экан?

Т. МУРОДОВА,
2-«Ташавтомаш» массиви, 32-уй, 19-квартира.

КЕЧАСИ ЎЧИБ, КУНДУЗИ ЁНАДИ

Маҳалламизда тез-тез чироқ ўчиб туради. Ҳар гал бу ҳол соат 22 дан бошланади. Эрталаб соат 6 да яна чироқ ёниб туради. Худди бировлар атайлаб қилгандек тунда ўчиб, кундузи чарақлаб ёниб туради.

Бундан икки ойча илгари кўчамиздаги симёғочларни алмаштиришган эди. Шошилишда яна бошқа кўп нарсаларни ҳам алмаштириб кетишганга ўхшайди.

Чилонзор район, 1-проезд Боғбод кўчасида яшовчи аҳолн.

КИМНИНГ ЭРКАТОЙИ?

Шу йил 22 сентябрь куни кечқурун авиасозлар маданият саройининг олдидан 07-21 ТНА номерли таксига ўтирдик. Машина салонида бўздан бошқа яна икки нафар йўловчи бор эди. Биз чиққанда счётчик 2 сўм 20 тийин ишлаб қўйган эди. Манзилга — 2521-автоколонна олдига етиб боранимизда у 2 сўм 98 тийин ишлади. Биз ҳайдовчига 3 сўм узатсак у бир сўм қайтим берди.

Ҳайдовчига счётчик 78 тийин ишлаганини айтсак у «Санлар иккитасан, шунинг учун икки сўм берасанлар» деб жўнаворди. Бу ҳайдовчи қайси таксопаркнинг эркатойи экан?

Н. ТУРҒОНОВ,
М. СОТТИҚУЛОВ,
ишчилар.

Лисунов кўчаси, 27-уй, 2-ётоқхона, 100-хона.

Хат босилмади, аммо чора кўрилди
ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Газетхон Бегунов редакцияга йўллаган хатида Фарҳод ва Ғафур Ғулом номли кўчалар кесишган жойда транспорт қатнови тиғизлиги туфайли пиёдалар ҳаракати қийинлашаётганн таъкидлаган эди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасидан олинган жавобда қуйидагилар айтилади.

Айни пайтда пиёдалар ҳаракатн хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўчаларни кесиб ўтиш жойларига «зебра» йўл белгиларн ва автомат бошқариш системасига улаиадиган ҳамда йўл ҳаракатини электрон ҳисоблаш машинасн бошқарадиган светофор объектн ўрнатиш ишларн олиб борилмоқда. Шу иш ниҳоясига етказилгач, кўчанинг ўтиш қисмига йўл белгиларн қўйилади.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
9 ОКТЯБРЬ. 1984 й.

РЕМОНТ ҚИЛИБ БЕРИЛДИ

Редакцияга хат йўллаган С. Дорофеева 46-уй-жойлардан фойдаланиш участкаси ходимлари ўз хизмат вазифаларига масъулиятсиз қарашаётганини маълум қилган эди. Хат шаҳар уй-жой бошқармасига жўнатилди ва бошқарма бошлиғи У. Ризаев имзоси билан жавоб олинди.

Жавобдан маълум бўлишича, кўрсатилган камчиликлар тасдиқланган. Бошқарма ходимлари мазкур уй ремонтини ниҳоят ниҳоясига етказишган.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ва ... мухбирлари ... ҳабар қилади

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БУДАПЕШТ. Венгрия шаҳарларини қандай қилиб яна ҳам чиройли ва обод қилиш мумкин. Мамлакатнинг тўққизта йирик шаҳарида бошланган қурувчилар кунлари шу мавзуга бағишланди. Мана шу кенг кўламда ўтаётган тадбирларда Венгриянинг етакчи архитекторлари, республика қурилиш корхоналари илғорлари ва ишлаб чиқариш новаторлари қатнашмоқдалар. Ижодий семинарлар давомида Венгриядаги кўҳна шаҳарлар — Дебрецен, Печ, Дьернинг тарихий марказларини таъминлаш ва тиклашнинг якунлари муҳокама қилинмоқда, истиқбол вазифалари белгилаб олинмоқда.

БУХАРЕСТ. Меркуря — Чуккадаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи конвейеридан 25 мингинчи юбилей трактор чиқди. Саккиз йил ичида тармоқнинг энг ёш корхонасида гусеницали машиналарнинг 15 хилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Завод маҳсулотлари яхши техникавий кўрсаткичлари ва фойдаланишдаги пишиқ-пухталиги билан чет элларда катта шуҳрат қозонди. Заводда ишлаб чиқарилган тракторларнинг қарийб ярми чет мамлакатларнинг далаларида ишламоқда.

ЛОНДОН. Буюк Британияда уй-жой ҳақи тез ошиб кетмоқда. «Дейли Телеграф» газетасининг хабарига кўра, бу йил уй-жой Британияда айниқса қимматлашди. Бу ерда бошпана учун ўтган йилга қараганда ўртача 11,3 процент кўп ҳақ тўлашга тўғри келмоқда.

БЕРЛИН. Немислар диёрида биринчи социалистик ишчи-деҳқонлар давлатининг ташкил этилиши халқимиз ва Европанинг келажаги учун тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди, деди ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер. У ГДРнинг 35 йиллик юбилейи арафасида ишлаб чиқариш илғорларига, партия ва меҳнат ветеранларига, фан ва маданият арбобларига мукофотлар топшириш тантанали маросимида нутқ сўзлади.

ГДР раҳбари тинчликни таъминлаш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилиш, доимий ва сабот билан курашиш даврида республика босиб ўтган йўлни таърифлаб берди. Ҳозирги вақтда, деб таъкидлади Э. Хонеккер, ГДР тарихининг бутун синовларидан шараф билан ўтганлигини, ҳамда қардош социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигининг мустаҳкам бўғини сифатида ўзининг ҳар томонлама жўшқин тараққиётида катта муваффақиятларга эришганлигини тўла мамнуният билан айтиш мумкин.



Буюк Британия ишчилар ҳаракати тарихида энг узоқ давом этган шахтёрларнинг умуммиллий иш ташлаши мана олти ойдирки тўхтаган йўқ. Иш ташлаган шахтёрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда шофёрлар, денгизчилар, темирйўлчилар ҳам ишчилар курашига қўшилишди.

СУРАТДА: Брайтондаги Англия меҳнаткашларининг иш ташлаш намойиши.

Камера пресс—ТАСС фотоси.

ДАВЛАТ ТЕРРОРИЗМИ ЙЎЛИДАН

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Тинчликсевар инсоният АҚШнинг Марказий Америкадаги мамлакатлар ички ишларига аралашуви сўзсиз тўхтатилишини қатъият билан талаб қилмоқда. БМТга аъзо бўлган мамлакатларнинг асосий кўпчилиги бу талабни қатъий ёқлаб чиқмоқда. БМТ бош ассамблеясининг ҳозирги сессиясида сўзга чиқаётган делегатлар шуни таъкидламоқдаларки, Никарагуа ва Куба амалий тадбирлари, «контадор группаси» давлатлари — Мексика, Венесуэла, Колумбия ва Панама биргаликда ишлаб чиқиб, «тинчлик акти»га киритган таклифлар туфайли Марказий Америкадаги можароли вазиятни сиёсий йўл билан ҳал этишнинг реал имконияти очилмоқда.

Никарагуа региондаги проблемаларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этиш сиёсатига изчиллик билан амал қилиб, Марказий Америкадаги мамлакатлар орасида биринчилар қаторн «тинчлик акти»га имзо чекишга тайёр эканлигини расмий равишда эълон қилди. «Контадор группаси»нинг ташаббуси сингари сандиночилар ҳукуматининг бу йўлини ҳам барча қитъалардаги мамлакатлар, шу жумладан АҚШнинг Лотин Америкаси ва Ғарбий Европадаги иттифоқчилари ҳам зўр қониқиш билан кутиб олдилар. Европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатлари, Марказий Америка ва «контадор группаси» мамлакатлари, шунингдек Испания ва Португалия ташқи ишлар министрларининг Коста-Рика пойтахтида бўлиб ўтган кенгаши «тинчлик акти»ни тўла қўллаб-қувватлаётганлигини билдирди. Социалистик интернационал бюросининг Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган мажлисида ҳам АҚШ ҳукумати «контадор группаси» куч-ғайратини қўллаб-қувватлаб, «тинчлик акти»ни имзолашга даъват этилди.

Бироқ, Вашингтон маъмурияти ақл-идрок овозига, халқаро ҳамжамиятнинг қатъий талабларига қулоқ солмаётир. Никарагуа раҳбарлари ихтиёрида бўлган маълумотларга қараганда, Пентагон ва Марказий Разведка Бошқармаси октябрнинг иккинчи ярмида Никарагуага ҳарбий бостириб кириш планларини ишлаб чиқмоқда.

Америка матбуотида пайдо бўлаётган кўпгина фактлар, далиллар ҳам АҚШ ана шундай агрессив режалар тузаётганлигини тасдиқламоқда. Масалан, Америка конгресси сенати яқингинада республикачи сенаторларнинг кўпчилик овози билан демократларнинг Қўшма Штатлар Никарагуага қарши «эълон қилинмаган уруш»ни тўхтатиш ва сандиночилар ҳукуматини ағдариб ташлаш ниятидан воз кечиши кераклиги тўғрисидаги таклифини рад этди. Айни вақтда Вашингтон «контадор группасн» тинчлик ташаббусларини барбод этиб, Марказий Америкадаги можарога тортилган барча мамлакатлар «тинчлик акти»ни имзодашга йўл қўймаслик учун жон-жаҳди билан уринмоқда. Рейган маъмурнятининг Марказий Америкадаги амалий ишлари уни давлат терроризми жинояткорона сиёсатини жон-жаҳди билан ўтказаётганлигини кўрсатмоқда.

Н. ЧИГИРЬ,
ТАСС шарҳчиси.

БОСМАЧИЛАР ҚИЛМИШИГА ЯРАША ЖАЗОЛАНДИЛАР

КОБУЛ, ТАСС мухбири Г. Байбаков хабар қилади:

Бу ерда Афғонистон Демократик Республикаси махсус революцион судининг очиқ мажлиси ниҳоясига етди. Революцион суд шу йил 31 август куни Кобул халқаро аэропортида бомба портлашини уюштирган ўн кишининг ишини кўриб чиқди. Маълумки, ана шу ваҳшиёна хуруж натижасида 13 киши ўлган ва 207 киши жароҳатланган эди.

Босмачилар қилмишларига яраша жазо олдилар: 9 киши ўлим жазосига, 18 ёшга тўлмаган бири эса 15 йиллик муддат билан турма жазосига ҳукм қилинди.

Жиноятчилар олдига вазнятни изидан чиқариш, одамларни чўчитиш, маъмурларнинг обрўсини тўкиш, жосуслик қилиш вазифаларн қўйилган. Дастлабки тергов жараёни вақтида АҚШ ва Покистондаги тегишли хизмат маҳкамалари босмачиларнинг кўпорувчилик фаолиятига етакчилик қилганлиги аниқ-равшан исбот қилинди. Масалан, шайка бошлиқларидан бири Муҳаммад Иброҳим Покистонга бир неча марта бориб у ерда америкаликлар билан учрашиб турган ва уларга АДРдаги аҳволга доир махфий маълумотларни топширган. У бу ердан қурол-яроғ, аксилинқилобий руҳдаги адабиёт ва қалбаки ҳужжатлар олиб келган.

Жиноятчилар Қобулдаги жамоат тўпланадиган жойларни портлатиш учун Америкада ишлаб чиқарилган 40 минаии, «ташкилий» қаражатлар учун эса бир неча минг доллар маблағни Покистондан олганлар. Босмачилар бир неча жойда мина портлатишни мўлжаллаганлар. Аммо АДР нинг хавфсизлик кучлари уларнинг жиноий ишларига чек қўйди.

Судланувчилар курсисига ўтирган босмачилар ўзларини қўй оғзидан чўп олмаган гуноҳсиз кишилар қилиб кўрсатишга урииндилар ва ҳатто тузалмаиз ҳамда ҳалол меҳнат қиламиз, деб ваъда ҳам бердилар.

Аэропортдаги портлаш вақтида жароҳатланган уч киши суд мажлисн залида пайдо бўладн. Исматулла деган ишчини замбилда олиб келадилар, унинг чап оёғи тўпиғи узилиб тушган, ўнг оёғи эса мажақланган. Улардан кейинги майор Санд Мамад қўлтиқ таёқда юриб келди. Ўша вақтда аэропортда бўлган катта лейтенант Довудгина ҳеч кимнинг ёрдамисиз юриб келди. Лекин у кўр бўлиб қолган, юзи чандиқлар билан қопланган эди.

Прокурор босмачиларга ўз фикрида ислоҳ қилган эканлиги ҳақида ишонч билдирди. Ана шу вақтда ... ноят ислоҳ ... ри келадиган ... волни берди.

Судланувчилар ... лим ... Дарҳақиқат, ... айтадиган ... Ивогарлик ... гапларни ... тишдан ... ни улар ...

Залдаги ... дан туриб ... лайдилар ... қарсаклар ... оладилар. ... ва шикоят ... йўқ. Революция ... президиум ... тасдиқлаганлар ... у ижро этилди.

Суд асосида ... ҳам қабул ... нинг Афғонистон ... ишларига ... вом этаётган ... сабаби бўлган ... секретари ... эзилиш хати ... тавсия этди.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

Ўрта бўй, ҳаракатлари чаққон бу кишини кўрганлар ҳавас билан қараб қолишади. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган, шу боис ёш кўринади, деган хаёлга борishади. Аслида эса Одил Холисовнинг ҳаёти жуда мураккаб.

— Қисмимиз, Украинадаги Перемишель шаҳрида турарди. 22 июнь тонготарида даҳшатли туш сингари воқеа юз берди. Фашистларнинг самолётлари бомбаларни ёмғирдек ёғдириб юборди. Замбарак, миномётлардан отилган ўқлар тун қаърини аждаҳо оғзидан чиққан оловдек тилка-пора қилиб ташлади. Жаҳаннамда жон сақлаш учун Голованевск ўрмонига яширинишга мажбур бўлдик, — дейди Одил ака ўша йилларни хотирлаб. Сўнг оғир нафас олиб давом этди: — Ўрмон ичкарисига кирганимизда ўнга яқин танкни ўн омон қолганимиз маълум бўлди. Ихтиёримизда бир замбарак, уни тортадиган тўртта от бор эди.

Одил ака ўзи иштирок этган воқеаларни сўзлашни унчалик ёқтирмайди. Шунинг учун ҳам «Южний» партизан отряди фаолиятини ўрганишга бағишланган музей ҳужжатларига мурожаат қилганимиз дуруст. Унда қуйидагилар битилган:

«Южний» партизан отряди Голованевск ўрмонида, Красногоркадан беш километр ичкарида жойлашиб, гитлерчиларнинг поездларини издан чиқарган, машиналарини ўққа тутган, ҳарбий объектлар ва полициячиларнинг участкаларига ҳужумлар уюштирган. Полициячилар ва халқ сотқинларини жазолаган ва катта агитация-пропаганда ишларини олиб борган.

Отряд гитлерчилар ва Ватан хоинларини йўқ қилиш учун 11 жанговар операция ўтказди. Биринчи операция 1942 йилнинг охирида бажарилган. Староста Волошчукка полициячилар ёрдамида аҳолидан фашистлар армияси учун озиқ-овқат, иссиқ кийимлар йиғиш топширилган. Зўрлик билан тўпланган бу анжом ва озиқ-овқатлар полициячилар кузатувида Голованевскка келтирилиши лозим эди. Бундан партизанлар хабар топишди ва юк ортилган карвон манзилга етиб бормади».

Шундан кейин отряд ҳужум операцияларини кун сайин кучайтирди. Ниҳоят қамални ёриб, ҳаракатдаги армия қисмлари составига қўшилди. Отряд аъзолари тарқалиб кетди. Одил Холисов 408-алоҳида гвардиячи артиллерия полки составида Львов, Дрогобич, Винница, Проскуров шаҳарларини фашистлар зулмидан озод қилишда иштирок этди. Босқинчиларнинг бош қалъаси — Рейхстагни олиш учун бўлган жангда қатнашди. Собиқ «Южний» партизан отрядининг аъзоси Одил Холисов кейин Чехословакияни озод қилиш учун бўлган жангларда жасорат кўрсатди. 1946 йилда она юрти Тошкентга қайтди...

1981 йилда Одил ака «Южний» партизан отряди ҳаракат қилган Кировоград областидаги Ольшанский районига борди. У ерда Груша Марк ва Афанасий Дугоненкони учратди. Улар отрядда оддий жангчи бўлишган. Грушани дарҳол таниди. Унинг ўнг қўли йўқ эди. Биргалашиб эслашди...

Отрядни Емелеевка қишлоғидан ўрмон ичкарисига кўчириш лозим бўлиб қолди. Бунинг учун техника керак эди. Тунда қишлоқдан ўтиб бораётган фашистларнинг машиналар колоннасига ҳужум қилишди. Қисқа муддатли отишмалардан сўнг иккита машина қўлга олинди. Шу машиналарда отрядни ичкарига кўчира бошладилар.

Орқадан келаётган бошқа колонна немисларнинг жасадларига дуч келиб қишлоқда тўхтаган. Фашистлар машина изидан бориб партизанларни топиб олишган. Отишма бошланиб, у уч соат давом этган. Шу жангда Груша Марк оғир жароҳатланган эди.

— Ким, қандай олиб келганини билмайман, — деди Г. Марк жанговар дўстининг елкасига бош қўйиб. — Ҳарбий госпиталда кўзимни очдим. Жароҳатим газаклаб кетганлиги учун қўлимни сақлаб қолишолмади.

Уруш даҳшатларини биргаликда бошдан кечирган, келажак учун ҳаётини аямай жанг қилган дўстларни топиш керак! Одил аканинг қалбида ана шундай аҳд пайдо бўлди. Партизанлар ҳақида маълумот беришни сўраб, Голованевск район ҳарбий комиссариатига хат ёзди. Берилган адрес билан бориб, 1983 йилда Львов областининг Сосновка қишлоғида отряд командири Иван Гаврилович Лесияк билан учрашди.

Одил Холисов Фрунзе район Стаханов кўчасидаги 4-уйда истиқомат қилмоқда. Унинг беш фарзанди бор. Рафиқа ва Нафиса ўқитувчи, Мурод Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида дарс бермоқда, Неъмат политехника институтида ўқияпти, Азимжон яқинда 140-ҳунар-техника билим юртини битирди. Ўзи пенсияда.

«Южний» партизан отрядидаги сафдошларини, шу кунги фаровон турмушимиз учун жанг қилган дўстларини излашни давом эттирмоқда.

М. ОТАХОНОВ.

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

БОШ МАВЗУ— СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Шу кунларда республика Кино уйи санъат мухлислари билан гавжум. Бу ерда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб ташкил этилган кўргазмада ажойиб совет ранг-тасвир устаси, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Александр Николаевич Волков ва унинг ўғиллари Валерий ҳамда Александр Волков асарлари кўргазмаси намойиш этиляпти.

А. Н. Волков ўзининг бутун ҳаёти ва ижодини Совет Ўзбекистони санъатига бағишлади. У Улуғ Октябрь революцияси ғалабасидан сўнг кўп ўтмай Ўзбекистон тасвирий санъатининг ташкилотчиларидан бири сифатида катта иш олиб борди. У қандай масъулиятли вазифаларда ишламасин, республика маданиятининг ёш намояндаларини тарбиялашга ҳаракат қилди, чинакам санъаткор сифатида ҳамиша серқирра ижодий фаолият билан шуғулланди. Кўргазманинг марказий экспозициялари Валерий ва Александр Волковларнинг ҳам Совет Ўзбекистони мавзусидаги картиналари намойиш этилмоқда. Умуман олганда эса ўз оталари ижодий йўлини давом эттираётган Волковларнинг турли жанрдаги асарлари Ўзбекистоннинг Совет ҳокимияти йилларида эришган ютуқлари, республика меҳнаткашларининг ҳаёт тарзи, орзу-ўйлари ҳақида қизиқарли ҳикоядир.

Бу кўргазмани Валерий Волков ташкил этди. У намойишга қўйилган асарларни яғона композиция асосида тузишга катта эътибор берган. Кўргазма «Қадимий ўлка санъати» экспозициялари билан очилади. Бу туркум асарлар масхарабозлар ва дорбозларнинг анъанавий санъати ҳақида ҳикоя қилади. Рассомлар замонавий ранг-тасвир техникаси орқали халқ санъатининг умрбоқий анъаналарини намоён этишга муваффақ бўлишган.

Кўргазманинг марказий экспозициялари





асарлари ҳам томошабинларга манзур бўлмоқда.

Агар А. А. Волковнинг картиналари таъсирчанлиги, бўёқларнинг ранг-баранг товланишлари билан ажраралиб турса, Валерий Волков асарлари эса композицияси, миллий калоритни нафис бўёқларда акс эттириши билан диққатни жалб этади. Тасвирий санъат журналларининг бирида унинг ижодига жуда юксак баҳо берилиб, Сезан, Гогель, Матес сингари етук импрессионизм вакиллари билан бир қаторда баҳоланган эди.

В. Волковнинг картиналари жуда кўплаб музейлар ва картина галереяларида намойиш этилган. Унинг Франция ва Испания туркумидаги картиналари услубий изланишлари билан ажралиб туради. Аммо унинг республикамиз табиати ва меҳнаткашлари образлари тасвирланган асарлари алоҳида эътиборга сазовор. Томошабинлар рассомнинг Совет Ўзбекистонига бағишланган жанрли картиналари, портрет ва рангтасвир асарлари билан ҳам қизиқиб танишмоқдалар.

Кўргазмада намойиш этилаётган асарлар Совет Ўзбекистонинг бугуни куни ҳақида ажойиб ҳикоядир.

Ю. КАЗАЧЕНКО.

Суратларда: Республика Кино уйида намойиш этилаётган Волковларнинг асарларидан намуналар.

• *Ўзбекистон—Тюменга*

УЛКАН НЕФТЬ КОНИ САРИ ЙЎЛ

Ғарбий Сибирь табиий бойликларини ўзлаштиришда қардошлик ёрдами бераётган Ўзбекистон вакиллари СССР Конституцияси кунини шонли меҳнат совғаси билан кутиб олдилар. «Ўзтюменьдорстрой» трестининг коллективи пландаги 40 километр ўрнига 50 километр автомобиль йўлини муддатидан бир квартал илгари қуриб битказди ва фойдаланишга топширди. Қисқа муддатли Сибирь ёзидан нурафшон бўлган асрий тайгани кесиб ўтган бетон трасса орқали алвон лента тортилди. Қизил байроқлар ҳилпираб, мусиқа садолари янграйди. Тюменда тўрт йилдан бери ишлаётган Ўзбекистонлик қурувчилар саф тортиб турибдилар. Улар орасида Муқим Собиров, Владимир Харченко, Александр Ермаков, Ҳамид Сафиуллин ва уларнинг дўстлари бор. Қурувчиларнинг кўпчилиги бу ерга оила аъзолари билан келишган. Бу кун улар учун катта байрам — улар бунёд этган йўлнинг янги участкаси фойдаланишга топширилади.

Тюмень область Октябрь районининг раҳбарлари, балиқчилар, геологлар, ўрмон қирқувчилар уларни мана шу воқеа билан табриклаш учун бу ерга келдилар. Мезбонлар Ўзбекистон вакиллари бунёд этган бу йўл ва бошқа объектлар совет халқлари бузилмас қардошлигининг ёрқин ифодаси, советлар мамлакати республикалари ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам самарадорлигининг яққол далили эканлигини тўғрисида гапирдилар. Сизлар бу йил қурган магистрал бир неча-кундузда нефть қазиб олишни қарийб уч минг тонна кўпайтириш имконини беради, деди, «Красноленинскнефте г а з» бирлашмасининг бош директори Б. Нуриев.

Қарсаклар тиниб, анъанага кўра, қирқилган лента кулранг бетон юзига тушади ва моторларини гувиллатиб янги участка бўйлаб қум ортган оғир вазнли «КрАЗ» машиналари, ёғоч ташувчи машиналар, нефтчиларни вахтага олиб борадиган автобуслар ўта бошлайди. Янги газ ва нефть конлари қурилишида мунтазирлик билан кутилаётган юклар учун йўл очилди. Шуни айтиш керакки, мутахассислар бир километр қувур пармалаш учун манзилга 200 тонна асбобускуна ва бошқа материаллар етказиб бериш кераклигини ҳисоблаб чиқдилар. Мана шундай нефть конларидан бирида бир вақтнинг ўзида икки километр чуқурликдаги ўнлаб қудуқлар пармаланади. Шунинг учун ҳам нефтчилар Ўзбекистонлик йўл қурувчилардан ғоят миннатдордирлар. Улар турбина файли пармалаш ишлари ҳажми ўтган йилдагига нисбатан бир неча баравар кўпайди, нефть қазиб олиш ҳам шунга яраша ошди. Яна бир қизиқарли фактни олиб кўрайлик — бу ердаги ўрмон саноати хўжалиги узоқ йиллар қолоқ ҳисобланиб, планни бажармай келарди. Эндиликда хўжалик илғорлар қаторига чиқиб олди — кесилган дарахтлар бетон йўл орқали йил бўйи ташилмоқда.

Ўзбекистонлик қурувчилар Тюмень диёрида мустаҳкам ўрнашиб олдилар. Ўзлари учун посёлка қуриб, ишлаб чиқариш базаси барпо этдилар, турмушларини яхши йўлга қўйдилар. «Бизлар бу ерда вақтинча яшаётганимиз йўқ», — дейишади улар. Чиндан ҳам уларнинг олдида жуда катта ишлар турибди. Улар Тюмень диёрида янги кондарга олиб борадиган ўнлаб километр автомобиль трассалари қуришлари, бошқа бир қанча объектлар бунёд этишлари керак. Ғарбий Сибирда жаҳонда тенги йўқ ёқилғи — энергетика комплексини бунёд этишда барча қардош республикаларнинг вакиллари билан елкама-елка туриб салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Тюмень области. А. СКОРОБОГАТОВ, ЎзТАГ махсус мухбири.

Наботот—ҳаёт манбаи

МАККАЖЎХОРИНИНГ ХОСИЯТИ

Маккажўхорин и н г ватани Америка ҳисобланади. Уни Европага XV асрнинг охирида машҳур саёҳ Христафор Колумб олиб келган.

Жўхорининг озиқ-овқат жиҳатидан фойдали ўсимлик эканлиги ҳаммага маълум. Бундан ташқари, ундан молларга ем-хашак сифатида, қурилишда ва қоғоз саноатида фойдаланилса бўлади. Жўхорининг барглари ва поясидан қурилиш учун шитлар ясалади, картон ва қоғоз тайёрланади.

Жўхорининг пояси ва донидан спирт, ацетон ва бошқа маҳсулотлар олса бўлади. Улардан эса сунъий ипак ва изоляцион прокладкалар олинади. Яна жўхоридан турли касалликларни даволаш мақсадида экстракт, таблетка ва порошоклар тайёрланади, унда витамин К, ҳам бор. Атеросклероз касаллигини даволашда жўхори ёғидан фойдаланилади.

ҲАШАРОТЛАРНИ ҚИРУВЧИ БУТА

Бағульник— пакана бўйли, чармсимон, қиш даврида барги тўкилмайдиган бута-ўсимлик. У ўзидан куя чидолмайдиган кучли ва турғун ҳид чиқаради. Шунинг учун кийимлар қатига бағульникнинг барглари қўйилади, уйлардаги ҳашарот-паразитларни йўқотиш мақсадида бағульникнинг ёғочини ёндириб, хоналарни дизенфекция қилиш мумкин. Шуннинг учун ҳам бу бутани ўсимлик нафталини деб аташади.

ТОШКЕНТ

Тошкентни тарихини биласизми?

ШОШТЕПА АЖОЙИБОТЛАРИ

Янгийўлга кетаверишдаги Жун арифи кўпригигача бўлган кичкинагина бўлак қадимий «Чоштепа» ёки «Шоштепа» адири номи билан аталади. Одамлар Шоштепа дейишга азалдан ўрганиб қолишган. Тошкент археологик экспедицияси шаҳарнинг жанубий ва шарқий чеккасидаги ана шу жойда кенг тадқиқот ишлари олиб бораётиб, энг қадимги ёдгорликлар айнан шу ерда, Шоштепа адирида деб тахмин қилган эдилар. Улар ўз тахминларида адашмадилар. Шоштепадаги изланишлар натижасида бу ерда қадимда кенг аҳоли пункти жойлашган баланд қўрғоннинг қолдиғи эканлиги аниқланди.

Энг дастлабки маданий қатлам соғ тупроқда жойлашган бўлиб, ўтроқ Бургулик деҳқон маданиятига тааллуқли бўлган. Бу топилма археологларни қувонтириб юборди, чунки Бургулик маданиятининг излари илгарилари Тошкент атрофида учратилмаган эди. Унинг Бургулик деб аталиши таниқли археолог Алексей Иванович Тереножкиннинг Оҳангарон дарёсининг юқори ирмоғи — Бургуликсойдаги қилинган кашфиёти билан боғлиқдир. А. И. Тереножкин бу ерда меҳнат қуроллари, ўроқлар, қурол-яроғлар, пичоқлар, ханжарлар, камон ўқларининг учлари, кулолчилик идишлари каби айрим буюмларни топган. Думалоқ қўпол тарзда, қизил рангдаги қўлда ишланган бу кулолчилик идишлари шу маданиятнинг бош ҳал этувчи белгиларидан бўлиб қолди. Дастлабки кашфиётчи топилдиқ нарсаларни эрамиздан аввалги VI—IV асрларга мансуб деб ҳисоблаган. Уларни шу даврлардаги Тошкент водийларида истиқомат этган шак қабилаларига оид эканлигини аниқлади.

Шоштепада топилган доира шаклидаги мудофаа девори қизиқарлидир. Пахса ва хом ғиштдан урилган, қалинлиги тўрт метр, бўйи уч метр-у олтмиш сантиметр бўлган бу девор 29 метргача давом этади. Археологларнинг фикрича, бу мудофаа девори узоқ вақтлар мобайнида қад тиклаб турган ва бирон маротаба ҳам уни қайта тиклашга ҳожат бўлмаган. Мудофаа девори шаҳар тузилишининг шиддатли ривожланиш процессининг ўтмишдоши бўлган. Бу процесс Тошкент областида кейинроқ, эрамизнинг III—IV асрларида ривож топган.

Олимларнинг ҳисобича, бу девор бутун фортификацион санъати қоидаларига риоя қилингани ҳолда бунёд этилган ва эрамизнинг бошланишида Шоштепанинг шаҳар типидаги турар жойга айланишидан гувоҳлик беради. Шоштепа Тошкент территориясида маълум бўлган, ҳозирча биринчи ва ягона қадимий ўтроқ деҳқончиликнинг эрамиз бошларидаги турар жой пунктидир. Унинг ёши 2000 йил атрофида деб белгиланади.

Биология фанлари кандидати Тўрабек Худойбердиев томонидан суяк қолдиқларининг ўрганилиши натижасида Шоштепа аҳолиси фақат дон экинлари ишлаб чиқариш маданияти билангина эмас, балки, майда ва йирик шоҳли қора молларни кўпайтирганликлар и дан ҳам далолат беради.

З. ЯҲЁЕВА,
Октябрь районидаги С. Оржоникидзе номли ўрта мактабнинг тарих ўқитувчиси.

СУРАТДА: Шоштепадан чиққан археологик топилма.





ГРУЗИЯ ФИЛЬМЛАРИ КЎРИГИ

БУГУН

Шу йил 5 октябрь куни пойтахтимизда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган Грузия кинолари кунлари бошланди. Бу ўзига хос кино байрами «СССР халқлари дўстлиги» шиори остида ўтмоқда. Тошкентдаги «Чайка», «Тошкент Советининг 50 йиллиги», «Қозоғистон», «Москва», «Ватан», «Дружба» ва бошқа кинотеатрларда грузин кинематографчилари яратишган энг яхши фильмлар намойиш этилмоқда. «Тоғ чўққисидаги машъала», «Энг жанубда», «Дунёнинг яратилиши», «Кўҳна Колхиданинг янги ташвишлари», «Ўрмондаги асалари уяси» каби фильмлар шулар жумласидандир. Айниқса, режиссёр Лана Гогоберидзенинг «Шахсий масала бўйича бир неча интервью» бадиий фильми диққатга сазовор. Картинада таниқли киноактриса Софико Чиаурели мураккаб характерли замонавий аёл образини гавдалантирган. Бу фильм 1978 йили СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган эди.

Ереванда ўтказилган XI Бутуниттифоқ кинофестивалининг бош совринини олган режиссёр Эльдор Шенгелайнинг «Самашвилининг ўғай онаси» бадиий фильми ҳам томошабинларга манзур бўлмоқда. Грузия киноси байрами





кунларида пойтахтимизда санъат муҳлислари ва машҳур грузин ёзувчиси Нодар Думбадзенинг «Абадият қонуни» романи асосида яратилган картина билан ҳам танишишга муваффақ бўладилар. Режиссёр Валериан Квачадзе ушбу картинада романнинг муҳим ижтимоий-маъна в и й муаммоларини экранга тўлақонли олиб чиқишга муваффақ бўлган. Бош қаҳрамон Бачана Рамишвили образини таниқли актёр Имеда Кахиани зўр маҳорат билан талқин этган. Картинада Г. Берикашвили, М. Жинория, М. Жанашия ва бошқа актёрлар ҳам ажойиб образлар яратишган. Комедия ишқибозлари эса кино байрами кунларида режиссёр Н. Мчелидзенинг «Ҳақиқий тбилисилик» ва бошқалар» номли 16 сюжетдан иборат фильмини томоша қилишлари мумкин.

Республикамиз юбилейи арафасида ўтаётган бу кино байрами томошабинлар учун ажойиб учрашувларга бой бўлади.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

СУРАТЛАР ДА: «Грузинфильм» киностудиясида яратилган «Абадият қонуни» фильмидан кадрлар.

Семен КОМИССАРЕНКО

СИНАЛГАН УСУЛ

(ҲАЖВИЯ)

Кадрлар бўлимининг бошлиғи директор кабинетига ҳаяжонланиб шошиб кирди, ўзини креслога ташлаб ҳолсизланиб деди:

— Печенкин...

— Яна нима гап? — ҳайрон бўлиб сўради директор.

— Уни тарбиялаб одам қилишга қанчалик уринмайлик, барибир нафи бўлмаяпти! Бай-бай-бай, қанақа чоралар кўрмадик унга. Ҳолдан тойдирди-я!

— Хўш, илгари қанақа чоралар кўрилганди?

— Чораларнинг ҳаммаси кўрилган. Улар бир даста: аввал оддий ҳайфсан берилган, кейин қаттиқ ҳайфсан, ниҳоят, сўнгги огоҳлантириш билан ҳайфсан, яна бошқатдан оддий ҳайфсан...

— Ундай бўлса, энди уни ишдан бўшатамиз, буйруқ тайёрланг.

— Йўқ-э?

— Нима, йўғ-э? Ўз вазифасига нолойиқ бўлгани учун уни ишдан бўшатишдан бошқа илож йўқ.

Кадрлар бўлимининг бошлиғи оғир эътиқодда, директор графиндаги сувга қўл чўздди.

— Яхши, уриниб кўринг,— деди бир оз ўйланиб туриб директор. — Печенкинингиз билан ўзингиз тил топишиб, келишиб олинг.

Орадан бирор соат ўтгач, кадрлар бўлимининг бошлиғи яна директор ҳузурига кирди.

— Келишдик, —деди у мамнун. — «Ўз ихтиёри билан» бўшаш ҳақида ариза ёзадиган бўлди. Ҳозироқ ёзиб бермоқчи! Лекин бир шарт қўймоқда: аввал ҳалиги бир дастани бекор қилишни талаб этяпти.

—Қанақа даста?

— Бир даста ҳайфсанлар-да: яъни оддий, қаттиқ, сўнгги огоҳлантириш билан берилган ҳайфсанларни...

— Нега керак экан бу?

— Айтишича, янги ишга борадиган жойида унинг қанақа одам эканлиги билан қизиқиб қолишлари мумкин эмиш, суриштириб, яхши одам эмаслигининг, бир даста ҳайфсанлари борлигини билиб қолишса яхши бўлмасмиш. Ўринли гап! Рози бўлаверинг, Иван Кузьмич, ўша ҳайфсанларни олиб ташлайверинг — бари бир у биздан кетяпти-ку!

Директор рози бўлиб қўл силтади.

— Тамом, энди унинг аризаси ҳозироқ сизнинг қўлингизда бўлади. Қоғоз ҳам алламқачон тайёр. Ҳар эҳтимолга қарши, яна бир варақ олволай. — Кадрлар бўлимининг бошлиғи қўлидаги қоғозни силкитганча югуриб кетди... Кейин у иш кунининг охирида пайдо бўлди.

— Қаранг, қанақа бюрократ экан у! — деди бўшашиб кадрлар бўлимининг бошлиғи.

— Нима, «Ўз ихтиёри билан» кетишдан бош тортдими?

— Э, йўқ, унақа эмас! Аризани ёзишга ёзди. Лекин, аввал ташаккурнома ёзиб беринглар, кейин аризамни бераман, дейди...

— Кимга ташаккурнома ёзиб бераркансиз? — Ўша Печенкинга-да...

Директор қизариб кетди.

— Балки ҳали у биздан фахрий ёрлиқ беришимизни ҳам талаб қилар, а? Ишдан бўшатилгандан кейин бериладиган шахсий нафақани илтимос қилиб қолса-чи ўша Печенкинингиз! — Директор завқланиб сўкинди, сўнг бир оз чекиниб сўради:— Унга аслида ташаккурноманинг нима кераги бор экан?

—Янги ишга борадиган жойида унинг қанақа одам эканлиги билан қизиқиб қолсалар, бирорта ҳам ташаккурномаси йўқлигидан таажжубланишиб, иккиланишлари мумкин эмиш. Меҳнаткаш одамларнинг ҳаммасида ўшанақа ташаккурнома бормишу, фақат унда йўқ эмиш. Шунақа дейди у... Ўринли гап! Илтимос қиламан, Иван Кузьмич, унга ўшанақа ташаккурнома ёзиб берақолайлик — барибир у биздан кетяпти-ку! Шунда қутиламиз ундан. Аллақачон аризани ёзиб ҳам қўйди....

Директор ноилож рози бўлди. Лекин аризани кадрлар бўлимининг бошлиғи бир ойдан кейин олиб келди.

— Печенкинданми? — сўради директор аризани ола туриб.

— Йўқ, менинг ўзимдан, — деди кадрлар бўлимининг бошлиғи бўшашиб. — Бошқа чорасини тополмадим. У энди ўзини менинг ўрнимга ишга тайинланишини оёқ тираб талаб қиляпти...

Т. МАҲМУДОВ
таржимаси.

XXI АСРДА МОСКВАНИНГ ҚИЁФАСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Пойтахт меъморлари тузиб чиққан катта ҳажмдаги ҳужжат 2010 йилда Москванинг бугунги меъморий қиёфаси билан танишиш имконини беради. Бу шаҳарнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган навбатдаги бош планининг техника-иқтисодий асосларидир. Келгуси ўн йилликнинг бошларида мазкур бош планни амалга оширишга киришиш мўлжалланган. Пойтахтни уйғун ўстиришнинг бундан ўн икки йилги бажариш учун қабул қилинган ҳозирги бош плани қандай амалга оширилаяпти? ТАСС мухбири П. Рябов шу ҳақда гапириб беришни Москва архитектура-планлаштириш бош бошқармасининг бошлиғи Г. МАКАРЕВИЧдан илтимос қилди.

— Ўтган давр ичида пойтахтнинг халқ хўжалик комплексини ривожлантиришга оид катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Масалан, шу вақт ичида москвалик ларни уй-жой билан таъминлаш социал программасига мувофиқ, умумий саҳни 55 миллион квадрат метрдан ортиқ уйлар қурилди.

Ҳар йили шаҳарда 80 мингта квартира фойдаланишга топшириляпти. Шунга қарамай, уй-жой проблемаси ҳали мавжуд. Ҳозирги вақтда уй-жойлар қурилишининг асосий ҳажми шаҳарнинг янги ва қуриб битказилаётган районлари — Бабушкин, Медведков, Бибирев, Отрадная, Никулин, Филевская ва бошқа районларида олиб бориляпти.

Крилатское проспекти янги районни бунёд этишга комплекс ёндошиш намунаси бўлиб хизмат қила олади. Лойиҳада барча инженерлик коммуникацияларини жадал ётқизиш кўзда тутилган эди. Амалда ҳам шундай қилинди. Сўнгра асосий йўллар орқали қурилиш майдонларига монтажчилар келишди, айни вақтда янги туркумдаги уй-жойлар, магазинлар, социал ва маданий-маиший объектларни жадал қуришга киришилди.

— Саноат объектларини қуриш ва реконструкциялаш ишлари қандай амалга оширилаяпти?

— Ишлаб чиқариш биноларини қуриш Москванинг энг муҳим ансамбларини, шаҳар қиёфасини ва унинг кўринишини шакллантиришда бевосита аҳамиятга эга. Пойтахт корхоналарини реконструкциялаш ва техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш — шу беш йилликда саноат қурилишини ривожлантиришнинг бош йўналишидир.

— «Серп и молот» металлургия заводида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга жиддий ёндошдилар. Корхонани реконструкция қилиш давомида янгидан янги цехлар қурилди. Уларда замонавий технологик жараёнларни жорий этиш кўзда тутилган бўлиб, электр ёйли печлар, пўлатни узлуксиз қуйиш жорий этилган, қўл меҳнатидан кўп миқдорда фойдаланиладиган зарарли цехлар тугатилди. Корхона тозалаш иншоотлари, қувур орқали сув билан таъминлаш системаси қурилишига, газ ва чанг ютадиган қурилмалар ўрнатишга салкам 10 миллион сўм сарфланди.

Бироқ ҳамма жойда ҳам иш шу тарзда олиб борилаяпти, деб бўлмайди. 77 та саноат-ишлаб чиқариш объектини, ўнлаб омборларни шаҳар ташқарисига олиб чиқиш керак. Афсуски, министрликлар ва идоралар мазкур проблемани дуруст ҳал этмаяптилар.

— Пойтахтни ривожлантириш янги бош планининг асосий йўналишлари нималардан иборат?

— Москвани ва унинг ихота ўрмон ва парклари ни янада уйғун ривожлантиришнинг асосланган, реал планини тузиб чиқиш, пойтахтимизни ривожланган социализм босқичида намунали шаҳарга айлантириш — архитекторлар ва шаҳарсозлар олдида турган бош вазифадир.

Йигирма биринчи аср бошларида Москва улкан ва ғоят кўркам шаҳар қиёфасида намоён бўлади. Шаҳарда барча иморатлар уйғун, аниқ планлаштирилган ва ягона мақсадга: пойтахт аҳолисининг меҳнат қилиши ва дам олишига, уларнинг соғлиғини сақлашга ҳар томонлама маънавий камол топтиришга бўйсундирилган.

Шаҳар халқа йўлдан ташқарида ҳам кенгайиб бориб, 10 минг гектар резерв территорияни ишғол қилади ва у ерда кўп қаватли бинолар қурилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ Москвани ва унинг ихота зонасини ресурслар билан таъминлаш, халқ хўжалик комплексини ривожланти ришни территорияда ва архитектура- п л а н лаштиришни яхлит равишда ҳал этиш учун объектив замин вужудга келди. СССР Марказий статистика бошқармасининг маълумотига кўра, ўрмон ва парк ихота минтақаси зонаси районларида истиқомат қилаётган 300 мингга яқин киши бугунги кунда пойтахтга, москваликлардан 90 мингдан ортиқ киши эса шаҳар атрофидаги зона корхоналари ва ташкилотларига қатнаб ишламоқда.

«Катта Москва»нинг бўлғуси бош планини техникавий-иқтисодий жиҳатдан асослашда транспорт алоқаларини янада ривожлантиришга катта ўрин берилган. Метрополитеннинг янги линиялари ҳалқа магистрали томон олиб келинади. Бу линияларда поездлар қатновининг тезлиги ҳозиргидан икки баравар ошади. Автобус маршрутлари очилади. Ҳозирги шаҳар чегарасида жойлашган барча саккизта янги зонани ташкил этиш нихоясига етказилади. Пойтахтнинг тарихий марказини ўзининг беқиёс артихектура қиёфаси билан ажралиб туради. Парклар ва хиёбонларга бурканган янги уй-жой районлари кварталлари, фақат пиёдаларга аталган кенг проспектлари бўлган ўрмон ва парк ихота минтақаси бунёд этилади.

Эртанги пойтахтда бунёд этиш мўлжалланган ишларнинг анчагина қисми шаҳарнинг бугунги қиёфасида ҳам намоён бўла бошлади. Булар шаҳарнинг жанубий-ғарбий қисмидаги кенг ва ямяшил проспектлар, Крилатскоедаги кўп қаватли мухташам бинолар, Новий Арбат кўчасидаги ер ости ўтиш йўллари, Строгина кўчасидаги шинам ансамбль шулар жумласидандир. Москва кенгайиб, обод бўлиб, янада кўркамлашмоқда.



Чехословакия д а г и Татра—Копрживнице автомобиль заводи «Мотоков—Прага» ташқи савдо корхонаси билан ҳамкорликда яратган «Татра—815» машинасининг янги моделини мамлакатимизга кўплаб жўнатмоқда. Янги автомобилни серияли ишлаб чиқаришдан олдин у Сибирда, Ўрта Осиёда синовдан ўтказилди. Синовдаги автомобиллар Тошкент кўчаларида ҳам қатнаб, автоҳаваскорларда катта қизиқиш уйғотган эди. Янги машина капитал ремонтсиз 420 минг километр йўл босиши мумкин. У 15 тоннагача юк кўтара олади.

СУРАТДА: «Татра — 815» машинаси.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ СИРЛАРИ

ЕРИЛАДИГАН БАЛИҚ

Байкал кўлида жуда ажойиб голомиянк балиқлари бор. Бу хил балиқлар дунёдаги бошқа бирор кўл ва денгизларда сира учрамайди. Ялтироқ балиққалар сувнинг чуқур жойларида яшайди. Уруғ сочиш учун кўлнинг юзасига сузиб чиқишади. Бу балиқлар сувнинг остидаги катта босимга кўникишган. Шу сабабли улар юқорига сузиб чиқишганда, ичига ҳаво тўлиб, ёрилиб кетади. Шунда уруғлари сочилиб қолади. Аста-секин бу уруғлар мустақил ҳаёт кечира бошлайди.

ШОХЛИ ҚУРБАҚАЛАР

Сиз фақат туёқли ҳайвонларнигина шохи бор деб ўйларсиз? Йўқ, Шимолий Африкада, Арабистонда шохли илонлар бор. Бу илонларнинг шохи кўзининг устига жойлашган.

Жанубий Америкада эса, шохли қурбақаларнинг 16 хили учрайди. Бу қурбақалар оддий қурбақалардан анча катта бўлиб, узунлиги 20 сантиметрдан ошади. Шохли қурбақаларнинг яна бир хусусияти бор. Улар лой ва балчиқда ётган «ўлжалар»ни ҳам шохлари билан ковлаб ейишади.

ЭНГ ҚАРИ ТЎТИ

Москва шаҳрининг Фрунзе районидаги табиатшунослик тўгарагида қарғалар, қушлар, денгиз сичқони, бойўғли, тўти каби жониворлар боқилади. Булар ичида Яша лақабли тўти энг машҳур ва энг қарниси ҳисобланади. Ҳозир Яша 84 ёшга чиқди. У бир неча кинофильмларда «артистлик» қилган.

ТИМСОҲЛАР ОТАСИ

Зимбабве ҳайвонот боғида «Биг Дэдди» — (катта ота) лақабли тимсоҳ боқилади. Тимсоҳлар отаси деб ном олган бу тимсоҳ Африка қитъасидаги энг кекса ва энг улкани ҳисобланади. Унинг узунлиги 15 метр, оғирлиги 445 килограммдан знёд.

С. ҒАФУРОВ тайёрлаган.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

9 ОКТЯБРЬ. 1984 й.

КАМАЛАК ШАХМАТ КЛУБИ

РИВОЯТ ВА ҲАҚИҚАТ

ҲОВЛИҚМА ДЎСТИМ, ҲОВЛИҚМА

Машҳур халифа Хорун ар-Рашиднинг ўғилларидан бири ҳамда вориси Амин шахматга вужуди билан берилибди. У ҳукмронлик қилган даврда мамлакатнинг ҳамма томонига энг кучли шахматчиларни амир саройига таклиф этувчи фармонлар юборилар экан. Амин уларни сахийлик билан мукофотлар, уларга маош тайинлар ва устозлар баҳсини томоша қилиб ёки бирон киши билан шатранж ўйнаб ўтказган вақтини энг саодатли дақиқалардан ҳисоблар экан.

Лекин бу даврлар узоққа бормаган. Унинг акаси Маъмун Эронда қўшин тўплаб, тахт учун ошкора курашга бошлайди. Тез орада унинг аскарлари Бағдодни қуршаб олади. Аминнинг замондошлари унинг шахматга шайдолигини мана бундай воқеа билан абадийлаштиришган. Шаҳар учун қаттиқ жанг авжига чиққан бир пайтда халифаликнинг қаттиқ хавф остида қолганлигидан ҳукмдорни огоҳлантириш учун саройга хабарчи юборилибди. Жанговарлик ҳарорати ҳали сўнмаган навкар халифанинг хонасига чопиб кираркан, шахмат тахтаси ёнида қаттиқ ўйга ботган ҳукмдорни кўриб ёқа ушлабди.

— Эй, мўъминлар сардори! — дебди хабарчи. — Худо хайрингизни берсин, тез бўлинг. Ҳозир ўйин пайти эмас. Хавф-хатар яқин.

— Ҳовлиқма дўстим, ҳовлиқма, — жавоб берибди халифа шатранж доналаридан нигоҳини узмай. — Бир неча юришлик мотни олдиндан кўриб турибман!

Ўйин нима билан тугаганлиги ҳақида замондошлари ҳеч нима демаган. Ҳар ҳолда ўйиндаги сустлик унинг бошига етган: Амин шаҳардан чиқиб кетай деб турганда қўлга олиниб, қатл этилган.

ИЛҲОМ УЙҒОТГАН

Халифаликка ўтган Маъмун адабиёт, фан ва санъат ҳомийси сифатида шуҳрат қозонган. Унинг даврида Бағдодда қўлёзмаларга бой «донишмандлик уйи» барпо этилган.


Маъмун шатранж сирларини билишга кўп ҳаракат қилган-у, аммо бу борада маҳорат кўрсата олмаган. Маъмун зўр шатранжчилар баҳсини завқланиб кузатган. Чунончи, шахмат олиялари ўртасидаги уч кишилик матч-турнир Хуросондан Бағдодга қилинган ҳарбий юриш пайтида (819 йили) ўтказилиб, унинг ташаббускори ҳам ал Маъмун бўлганлиги тарихдан маълум.

Баъзи тарихчиларнинг айтишича, уни шеър ёзишга шахмат илҳомлантирган:

Садоқатли дўстлар учун
кенгдир бу майдон,
Гоҳ ҳужум, гоҳ ҳимояда
иккала томон,
Келмаса ҳам карнай-
сурнай овози ҳамон,
Суворийлар моҳирона от
сурар чунон,
Ўйин борар, хотирада
жанглар намоён!

АНТИҚА ТАВСИЯНОМА

Ғарбий Германиянинг Мюнстер деган шаҳрида «Узоқ умр кўриш музейи» бор. Ундаги экспонатлар орасида «Бу дунёда гуноҳкор банда қандай қилиб ўз умрини узайтириши мумкин» деб номланган немисча қадимий бир қўлёзма диққатни жалб қилади. Унда шундай насиҳат битилган: «Болалигингданоқ шахмат билан дўстлашишга интил. Ёшлигингда у сени минглаб бемаъниликлардан асрайди, улғайганингда ғам-андуҳларингни ҳайдаб туради, қариганингда эса садоқатингдан айирмай, умрингни узайтиради». Тахтадаги вазиятда юриш оқлардан: тўрт юришда қора шоҳ мот бўлади.



Тўғри жавоб йўллаганларнинг исм-фамилияси газетада эълон қилинади.

СССР спорт мастери
М. Муҳиддинов тайёрлаган.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ●



14-«МЕБЕЛЬ» МАГАЗИНИДА

(4-Қўйлиқ массиви, 21-уй)

10—14 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ

«ТОШКЕНТ» МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН

МЕБЕЛЛАР

ва ГИЛАМЛАР ҳамда ГИЛАМ БУЮМЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

САВДО-КЎРГАЗМАСИДА:

«ЧАРОДЕЙКА» УХЛАШ ХОНАСИ ГАРНИТУРИ: шкаф, 2 та каравот, 2 та тумбочка, банкетка, трельяж.

Баҳоси— 772 сўм 50 тийин;

КАРАВОТЛАР. Баҳоси —132 сўм;

СТУЛЛАР. Баҳоси—8 сўм 40 тийин (биттаси);

ТРЕЛЬЯЖ. Баҳоси —140 сўм;

ХОНТАХТА. Баҳоси —26 сўм;

ГИЛАМ ВА ГИЛАМ БУЮМЛАРИ (гилам дорожка, полослар). Мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган.

НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

Юқорида номлари кўрсатилган мебеллар ва гилам ва гилам буюмлари намуналари намойиш қилинади. Мебель ва гилам поёндозларни нақд пулга ва кредитга сотиб олишингиз мумкин.

САВДО-КЎРГАЗМАСИ СЎНГИДА

14 ОКТЯБРЬ СОАТ 12.00 ДА

ХАРИДОРЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎТКАЗИЛАДИ

14-«Мебель» магазини ҳар куни соат 10 дан 19.00 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15.00 гача.

Магазинга 15, 52, 81-автобуслар («Белоруссия» бекати) билан бориш мумкин.

«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 90-18-05).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-97-24)

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/X да **Ҳаёт-бахш ўлим**, 10/X да **Жизель**, 11/X да **Тоҳир ва Зуҳра**, 12/X да **Севги тумори**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/X да **Юлдузли тунлар**, 10/X да **Зебуннисо**, 11/X да **Афғон репортажи**, 12/X да **Отелло**.

кино

9 ОКТЯБРДА БАДИЙИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АМРАПАЛИ» — **Санъат саройи** (катта зал, 17, 19.45, телефон 44-21-74).

«ТУГАЛЛАНМАГАН ҚЎШИҚ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«АКТРИСА ВА ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ҚАЙСАРНИНГ ҚУЮЛИШИ — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-23).

«ОЧКЎЗЛИККА ҚАРШИ МАККОРЛИК» — **Чайка** (18.30, 21.00, телефон 77-06-20).

«ИСТИРОҲАТ БОҒИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ҚУТЛОВ» — **Қозоғистон** (17, 20.00; 18, 21.00, телефон 35-24-92).

«ОТЛАРНИ ЭГАРЛАШ ВАҚТИ БЎЛДИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ПАРОЛЬ: МЕҲМОНХОНАСИ — **обод** (тоқ соатларда, 96-36-21).

«БЛЕФ» — Дружба ва тоқ соатларда, телефон 15-75).

«ПРОФЕССОР ДОСТ ВАСИЯТИ» — Лекция (тоқ соатларда, телефон 02).

«ҲАЁЛИЙ БАХТ» — **Шайхзода номли** (18.0 фон 42-39-74).

«НОЁБ ХИСЛАТ» — **матов номли** (жуфт соатларда, телефон 34-2

сешанба

9 ОКТЯБРЬ

● МТ I

17.45 Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари: «Зангори магистрал суръатлари» (БХР ва СССР), «Ҳаёт кафолати» (ЧССР), «Брюль террасаси» (ГДР).
18.15 «Стадион ҳамма учун».
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «ГДР пионерлари ҳузурида меҳмонда».
19.50 «Княжна Мэри». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Поэзия» альманахи.
23.30 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.00 Д. Кабалевский. Виолончель ва фортепьяно ижроси учун соната.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
21.30 «Время».
22.05 «Сирли брелок». Бадиий фильм.
23.10 «Ясная Полянада». Телефильм.
23.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Торпедо». 3-давр.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун фильм.
18.40 Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ватаним Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва ленинча миллий сиёсат тантанаси». В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж.
19.00 «Молдавия учун жанглар да». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 Буюк Галабанинг 40 йиллигига. М. Бобоев. «Йўл бўйидаги аёл».
20.30 «Ахборот».
20.55 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Матонат». Бадиий фильм. («Ўзбекфильм»).
23.50 Янгиликлар.

чоршанба

10 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Молдавия ССР телевидение ва радиоси академик хорининг концерти. Кишинёвдан олиб кўрсатилади.
10.05 «Княжна Мэри». Бадиий фильм.
11.40 «Саёҳатчилар клуби».
12.40 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Мамлакат телестудияларининг ҳужжатли фильмлари: «Андрей, Олегнинг ўғли...», «Иш кунидан сўнг», «Омборчи».
16.30 С. Токомбаева шеърлари.
17.15 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.30 «Ўсимликлар олами».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 МОЛДАВИЯ ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИ ВА МОЛДАВИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТУЗИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ПРОГРАММАСИ.
21.30 «Время».
22.05 «Оқшом тароналари». Концерт.
22.30 «Москва музейларининг ноёб хазиналари».
23.15 «Дунё воқеалари».

● МТ II


9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Тасодифларга бой лавозим». Телефильм.
11.05—11.35 «Антарктидага командировка». 1-кўрсатув.
12.05 «Онамларнинг мактаби».
14.10 «Совет тасвирий санъатия. «В. А. Фаворский устахонасида».
15.10 Ф. Энгельс. Ҳаёти саҳифалари.
15.55 И. В. Гёте. «Фауст».
16.25 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Менга рўмол ҳадя эт». Телефильм.
18.55 «Даниил Шафран». Фильм-концерт премьераси.
20.00 «Тажриба олдидан». 1-кўрсатув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
21.20 «Семирамида боғлари». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Қадрдон иш». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ хоровод».
19.00 «Ҳалима Носирова». Ҳужжатли фильм («Узкинохроника»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Ёзувчи ва замон». Совет ёзувчилари I Бутуниттифоқ съездининг 50 йиллигига бағишланган ССР ёзувчилари союзи юбилейига якунларга доир.
20.30 «Ахборот».
20.55 ЎзССР ва Ўзбекистон партияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Ўзбекистон симфоник оркестрининг ривожланишининг Кўрсатувни ЎзССР давлат симфоник оркестрининг 3. Ҳакимов бошқаради.
21.30 Москва «Время».
22.05 «Бугун оламда ва Халқаро аҳвол кўзгуси».
22.20 ЎзССР халқ артисти роеванинг ижодий кечаси.
23.15 Янгиликлар.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ва Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси жалоб министрлигининг Марказий Комитетининг молчилик селекция ва уруғчилик хўжалиги ходимлари коллективи илмий ходими М. А. Хўжаевга отаси

Абдураҳим ХЎЖАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

700047.

ТОШКЕНТ,

ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 2

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши— 32-53-66; саноат— 32-56-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-15; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10, 32-57-65; адабиёт ва санъат — 32-55-32; хатлар —33-29-70, 32-53-79; эълонлар бўлими— 33-81-42; нашриёт диспетчери—32-78-94;

«Тошкент оқшоми» [«Вечерний Ташкент»]—орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти. Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64690.

Р—09499. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9